

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎКИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

“Касб таълими” кафедраси

29-10 гуруҳи талабаси
Кўпалова Юлдузнинг

**“КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ
ЎҚИТИШДА УМУМКАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ”**

КУРС ИШИ

Ҳимоя қилишга рухсат безилган

Кафедра мудири: _____ т.ф.н.доц

В.Т.Исакулов

Илмий раҳбар: _____ п.ф.н. доц

Б.Ш.Шермуҳаммадов

“ _____ ” _____ 2013й

“ _____ ” _____ 2013й

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I. БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УМУМКАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлашнинг шахсий ва умумкасбий кўникмаларини шакллантириш.....	6
1.2. Касб-ҳунар коллежлари махсус фанларни ўқитишда умумкасбий кўникмаларини шакллантиришда амалий машғулотлар ўрни.....	8
II. БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УМУМКАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ	
2.1. Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг умумкасбий кўникмаларини шакллантириш шакл ва воситалари.....	20
2.2. Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини умумкасбий кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари.....	26
Умумий хулоса.....	34
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	35

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" талаблари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 473-сонли, 2003 йил 9 июлдаги "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 321-сонли қарорларини бажариш мақсадида меҳнат таълими, касб танлаш ишлар қуйидаги йўналишларига йўналтирилмоқда. Бу борада ўқувчиларни меҳнат таълими, касб-хунарга йўналтириши, унумли меҳнатни ташкил этилиши юзасидан ташхис марказлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлар, корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ишларни илмий, амалий ва ташкилий ҳолатда бошқариш учун мазкур муассасалар билан ҳамкорлик шартномалар қабул этилиши мақсадга мувофиқдир. Унда умумтаълим, касб-хунар ўқув муассасаларида, уларнинг ўқув режалари самарали жорий қилиш бўйича ҳамкорлик доирасида услубий тавсиялар, йўриқномаларда меҳнат таълимини ўқитиш, ижтимоий, унумли меҳнат таълими негизида ўқувчиларни ҳудуддаги академик лицей ва касб-хунар коллежлар касби ва мутахассисликларини танлашга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва улар жорий этилишини, ижтимоий, унумли меҳнатларини тизимли ёндашув тамойилларига биноан ҳудудий идоралари ва ўқув муассасалар билан ҳамкорликда ўқув режа ва уларнинг ижроси билан боғлиқ ҳужжатлар мазмун-моҳиятини педагогик жамоаларда кенг тушунтириш бўйича ўқув семинарлар олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаш зарурки, Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида 29 август 1997 йилда қабул этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да таълим олиш, тарбиялаш заминида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш даражасига етказиши муҳим давлат ва жамият вазифаларига айланди. Унда юқори

малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизими ва истиқболини белгилаб олинди ҳамда мазкур жараёнда узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш, давлат, жамият ва шахс вазифалари қуйидаги йўналишларни белгилайди:

- янги ижтимоий-иқтисодий шароитда кадрлар тайёрлаш тизимининг амал қилиши ва барқарор ривожланишининг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан кафолатловчи меъёрий қонуний базани яратиш;

- республикада ва дунёда фан, маданият, техника, технология ва жамиятнинг ҳозирги замон ютуқларини ривожланиш истиқболларини эътиборга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини янгилаш;

- таълим тизимини ислоҳ этиш, уни ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуаси сифатида доимий ривожланишини таъминлаш;

- барча тоифадаги юқори малакали кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимининг ўзаро бир-бирига таъсири механизминини ишлаб чиқиш;

- миллий уйғониш мафкураси ва умуминсоний кадриятларни эътироф этиш асосида ўқувчи ёшларни тарбиялаш ва мутахассислар тайёрлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- республиканинг кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий мамлакатлар миллий тизимлари, мувофиқ ташкилотлари билан карлар тайёрлаш соҳасида кенг ҳуқуқли ва ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш;

- кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга оширишни объектив назорат қилиш ва баҳолаш.

Ўқувчилар меҳнат таълими ҳамда касбий тайёргарлиги муаммоларининг айрим жиҳатларини А.И.Воробьев, К.Давлатов, Р.Ҳ.Жўраев, П.Т.Мағзумов, А.Матмуродов, У.Н.Нишоналиев, Ж.Р.Рамизов, Ў.Қ.Толипов, Э.Т.Чориев, Н.Ш.Шодиев, Н.А.Муслимов, А.Э.Пармонов, Қ.М.Абдуллаева каби республикамиз олимлари томонидан ўрганилган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотимиз учун «Касб хунар коллежларида махсус фанларни ўқитишда умумкасбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш» мавзусини танладик.

Тадқиқот объекти: касб-ҳунар таълими жараёнида умумкасбӣ кўникмаларини шакллантириш усуллари.

Тадқиқот мақсади: махсус фанларни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг умумкасбӣ кўникмаларини шакллантиришни илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш, уларни таълим жараёнига тадбиқ қилиш усулларини кўриб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

- умумкасбӣ кўникмаларини шакллантириш ҳақидаги назарий билимларни ўрганиш;
- умумкасбӣ кўникмаларини шакллантиришга қўйиладиган талаблар билан танишиш;
- касб-ҳунар таълими жараёнида умумкасбӣ кўникмаларини шакллантириш усулларида фойдаланишни ўрганиш ва ҳоказолар.

I. БОБ. КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УМУМКАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Касб-хунар коллежларида кичик мутахассисларни тайёрлашнинг шахсий ва умумкасбий кўникмаларини шакллантириш

Мустақил Ўзбекистоннинг маънавий соғлом ёш авлодлари, булажак ватанпарварларини тарбиялаш юки пировард натижада ўқитувчининг зиммасига тушар экан, у бугун нафақат билимдон болаларни, балки, энг аввало ана шу билимларни эгаллашни ўзининг бурчи деб билувчи миллий кадрлар шахсини шакллантиришга маъсулдир.

Махсус фанларни ўқитиш жараёнида талабалар касбларга оид махсус касбий билимларни эгаллайдилар. Дарсларда талабалар махсус билимлардан ташқари умумкасбий билимларни ҳам эгаллайдилар.

Умумкасбий билимлар - меҳнат фаолиятини режалаштириш, ташкил қилиш ва ўз-ўзини назорат қилиш ҳақидаги билимлардир.

Махсус фанларни ўрганиш талабаларнинг ақлий ривожланишига, уларда фикрлаш, анализ ва синтез қилиш, солиштириш, умумлаштириш, таснифлаш, сабаб-натижали боғланишни аниқлаш, умумийни, алоҳидани ва асосийни ажрата олиш каби кўникмаларнинг шаклланишига ёрдам беради. Бунда махсус фанларга оид билимларнинг физика, кимё, математика ва бошқа фанлар қонуниятларига асосланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб махсус фанларни ўрганишда талабалар умумтаълим фанларидан олган билимларини ҳам мустаҳкамлайдилар.

Махсус фанларни ўқитиш жараёнида таълимнинг илмийлик, назария билан амалиётнинг бирлиги, тушунарлилик, тизимлилик, изчиллик, талабалар фаоллиги ва мустақиллиги, курсатмалилик, ўқувчиларнинг ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқа тамойиллардан фойдаланиб келинмоқда.

Илмийлик тамойили. Бу тамойилга асосан талабаларга илмий жиҳатдан асосланган ва амалда синалган билимлар баён этилади. Бунда,

ўрганилаётган мутахассислик бўйича ишни ташкил қилишнинг замонавий усуллари, фан-техника ютуқлари, замонавий технологиялар ва уларнинг ривожланиш истиқболларига оид билимлар бериш лозим.

Назария билан амалиётнинг бирлиги тамойили. Бу тамойилга асосан махсус фанларни ўқитишда талабаларга касб-хунар коллежини тугатгандан кейин амалий фаолиятида ва ишлаб чиқариш амалиётига бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишлари учун зарур бўлган билимлар берилади. Бу тамойилга кўра ўқитувчи назарий таълимни лаборатория-амалий ва ишлаб чиқариш таълими билан боғланган ҳолда олиб бориши, ҳамда талабаларнинг олган билимларини амалий фаолиятда қўллай олиш куникмаларини шакллантириши зарур.

Тушунарлилик тамойили. Бу тамойилга асосан ўрганилаётган материаллар мазмуни ҳамда ўқитиш методлари ўқувчилар ёшига, тайёргарлик даражасига ва билиш имкониятларига мос келиши керак. Маълумки, ўқув материали жуда қийин бўлса, яъни талабалар уни тушуниб етмасалар, уларда ўзига булган ишонч ва ўрганилаётган фанга булган қизиқиш йўқолади. Ўқув материали ўта оддий ва осон бўлишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди, чунки бунда талабалар фикрлаш фаоллиги камаяди ва натижада дарс зерикарли утади.

Махсус фанларни ўқитишда тушунарлилик тамойилига асосланган ҳолда ўқув материалларини дарсларга туғри тақсимлаш, таълим методларидан моҳирона фойдаланиш, ҳар бир талабага индивидуал ёндашиш, ҳамда таълимнинг оддийдан мураккабга, маълумдан номаълумга, умумийдан хусусийга ўтиш тамойилларига асосланиш таълим жараёни самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Тизимлилик ва изчиллик тамойили. Бу тамойил асосида махсус фанлар бўйича ўқув материалларини шундай мантиқий тақсимлаш керакки, бунда махсус фанларга оид тарқоқ бир-бирига боғланмаган билимлар эмас, балки билимларнинг янги тизими шаклланадиган бўлсин. Бу

Талабалар фаоллиги ва мустақиллиги тамойили. Ўқув

материалларини ўзлаштириш даражасида талабалар фаоллигини ва мустақиллигини ошириш учун ўқитувчи махсус фанларни ўргатишда илғор педагогик технологиялардан, ўқитишнинг кургазмали куроллари ва техник воситаларидан, ахборот технологияларидан кенг фойдаланиши, дарсда муаммоли вазиятлар вужудга келтириши, талабаларда ижодий фикрлаш ва хотирани ривожлантириш зарур.

Кургазмалилик тамойили. Махсус фанларни ўқитиш сезиб идрок этиш ҳамда абстракт тафаккурнинг боғланиши асосида тузилиши лозим. Кургазмалилик тамойили қўлланилганда талабалар фаоллиги ва қизиқиши ортади, кузатувчанлиги ва тафаккури ривожланади, билиш жараёни тажриба, амалиёт билан боғланади.

Талабалар ёши ва индивидуал хусусиятларини хисобга олиш тамойили. Бу тамойилга асосан гуруҳни ўқув жамоаси сифатида тарбиялаш, барча талабаларнинг биргаликда фаол ишлаши учун шароит яратиш керак. Бунда хар бир талабага индивидуал ёндашиш, уларнинг физиологик, психологик ва шахсий хусусиятлари, билимлари ва тарбия даражасини хисобга олиш зарур.

1.2. Касб-хунар коллежлари махсус фанларни ўқитишда умумкасбий кўникмаларини шакллантиришда амалий машғулотлар урни

Амалий машғулотларни ўтказиш давомида ўқитиш жараёнининг кўзда тутилган узлуксизлигини сақлаб қолиш ва режалаштирилган ўқув мақсадларига эришишни таъминлаш лозим. Олиб борилган дастлабки тажрибалар шуни кўрсатдики, амалий машғулотларни ўтказиш учун кенг камровли тайёргарлик кўриш шарт эмас. Бундай режани тузишда амалиёт ўқитувчиси ўзи ўзлаштирган тажрибаларга асосланади. Махсус фанлардан дарс жараёнида ишлатилиши мумкин бўлган хар қандай маълумотни ушбу режага киритиш тавсия этилади.



Касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган “Тикувчилик корхоналари жихозлари” фани бўйича тасвирлайдиган қисмларга бўлиш намунаси (1-жадвал) мазмуний жиҳатлар асосида тузилсада, услубий жиҳатлар билан ҳам тўлдирилиши мумкин.

1- жадвал

Босқич	Вақт	Фаолиятлар ва мазмунлар тасвири	Ўқитиш ёки ўргатиш усуллари	Ўқув ва дидактик материаллар
«Пфафф»фирмасининг моки баҳяли тикув машинасига ипларни тақиш ва тикув жараёнини бажариш	2 соат	Тикув машинасига устки ҳамда остки ипларни тақиш ва машинада тикув жараёнини	Муайян ҳолатни намойиш қилиш ва ўрганишни машқ қилиш	Тикув машинасининг кинематик схемаси. Тикув машинаси, ип ва материал, асбоблар

		бажариш		
--	--	---------	--	--

Юқоридаги жадвалда келтирилган амалий машғулот режасининг тузилишини тасвирлаймиз.

1. Босқич.

Бу кўрсаткич машғулот пайтида йўналишни осон олиш учун зарур. Босқич бирор ўқув мақсади белгиланган мавзунинг боши ва якуни билан чегарадош қисмини ўзида мужассамлаштириши лозим.

2. Вақт.

Бу ерда босқич давомийлигини баҳолаш ва уни режада белгилаш лозим.

3. Фаолият.

Бу ерда босқич билан боғлиқ фаолиятнинг тури белгиланиши лозим. Бунга қуйидагилар киради:

Назарий дарс учун	Амалий машғулот учун 4-поғонали усул асосида
1.Майл 2.Ахборот	1.Майл ва ахборот 2.Намойиш
3.Мавжуд билимларни бошқа вазиятларда қўллаш	3. Имитация (кўрсатилган тарзда такрорлаш)
4.Ўрганилган мавзуларни қайтариш учун топшириқлар. 5. Таҳлил қилиш ва синтез 6. Баҳолаш йўллари	4. Машқ қилиш

Амалий машғулотларни ўтказишнинг 4-поғонали усули асосан талабаларнинг амалий кўникмаларини ўзлаштиришига қаратилган, бўлиб, у 4-поғонали доирасида кечади. Бу поғоналарга "тушунтириш", "намойиш этиш", "намойиш этилган тарзда такрорлаш" ва "машқ қилиш" киради. Масалан, жадвалда келтирилган амалий машғулотни ўтказишда амалиёт ўқитувчиси тикув машинасига ип тақиш кетма-кетлигини тушунтириб

беради ва машинага устки ва остки ипларни тақиб кўрсатади. Сўнгра талаба шу ишни кўрсатилган тарзда қайтариши керак. Талаба ишни бажараётганда ўқитувчи унинг хатоларини тўғрилаб туради (мақтайдиган ёки танқид қилади).

Талабалар фаолиятини ушбу соҳада кўрсатиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Тасвир.

Бу ерга катта ва кичкина мавзулар номи киритилади. Сўнгра муҳим асосий тушунчалар ва яхши ишлаб чиқилган саволлар киритилади. Тўғри жавоблар ҳам бу ерга қўшиб қўйилади ва алоҳида ёзилади.

5. Ўқув ва дидактик материаллар.

Бу кўрсаткичга дарсга мос келадиган ва ёрдам бериб, унга кўргазмалар тус берадиган ўқув ва дидактик материаллар киритилади. (3-жадвал)

Назарий дарслар	Амалий машғулотлар
Доска тасвирлари	Техник чизмалар, схемалар
Слайдлар	Назорат рўйхатлари ва фойдаланиш бўйича кўрсатмалар
Матнли ҳужжатлар (матнли китоблардан нусхалар)	Иш режалари
Жавоблар вароғи киритилган ёзма матнлар ёки топшириқлар	Баҳолаш варақлари
Моделлар, макетлар	Асбоблар, ёрдамчи воситалар, маҳсулотлар

Бир пайтнинг ўзида ўқув ва дидактик материалларни ишлатиб, бирор мавзунини ёритиш учун қуйидаги муайян усуллар қўлланилади:

- маъруза, ўқув суҳбати, мунозара
- тақдимот, намойиш, ўйин-машғулот, муайян ҳолатни ўрганиш
- индивидуал ва гуруҳ машқлари

Ва ниҳоят режанинг амалга оширилган босқичлари асосида бошқа

зарур ҳужжатларни ҳам киритиш мумкин:

1. Титул қоғози:

- махсус ўқув китобнинг номи
- семестр
- ўқув гуруҳларининг номи
- таълим олиш муддати

2. Талабалар таҳлили.

3. Дарсни ўтказиш учун дастлабки шарт-шароитлар таҳлили.

4. Махсус соҳа таҳлили(махсус соҳа бўйича график тасвир).

5. Ўрганиш мақсадлари жадвали.

Режани қайта текшириш учун кўрсатмалар.

Бир марта тузилган режа қуйидагича қайта текширилиши лозим:

Ўқув мақсадларини ўрганиш. Ушбу дарснинг ўқув мақсади керакли махсус соҳага мос келиши текширилади, яъни талабалар қандай амалий кўникмага эга бўлдилар ёки қандай кўникма ва тушунчаларга эга бўлишлари керак. Дарснинг якуний натижаси қандай бўлиши кераклиги ўрганилади.

Гуруҳлар ҳолатини ўйлаб кўриш.

Талабалар махсус соҳа тўғрисида нимани билишлари, уларнинг махсус соҳа бўйича қандай тушунчаларга эга эканликлари, гуруҳнинг дарсни ўзлаштириши борасида эътиборга олиниши лозим бўлган қийинчиликлар, гуруҳни кичикроқ гуруҳларга бўлиниши керакми ёки йўқми каби масалаларни ўрганиш керак.

Белгиланган вақт.

Дарс учун қанча вақт ажратиш кераклиги (бошқа тегишли фаолиятларни ҳам инобатга олган ҳолда) куннинг қайси вақтида дарс ўтказилиши лозимлиги, қайдлар ёки вазифаларни тайёрлаш учун қанча вақт зарурлиги ўрганилади.

Жиҳозлар тўғрисида.

Зарурий асбоб ва мосламалар мавжудлиги ва улар яроқлилиги, синф

хонаси барча талабларга жавоб бериши, ташқаридан бошқа ресурслар - бирор шахс, видеофильм ёки бошқа ёрдамлар керакми ёки йўқми каби муаммолар ўрганилади.

Махсус соҳа бўлимлари.

Махсус соҳа таҳлили мақсадга эришишда зарур бўлган барча мазмунларни камраб олиш учун етарлими? Дарсни қисмларга бўлиш зарурми?

Баъзан дарсни қисмларга бўлиш талаб этилади. Шунда қуйидаги тузилма восита сифатида хизмат қилиши мумкин:

Поғона 1 ...билиши шарт... ...қила олиши шарт...	Поғона 2 ...ўзлаштириши мумкин... ...қила олиши мумкин...	Поғона 3 ...билишга ёрдам беради... ...қила олишга ёрдам беради...	Поғона 4 ...билиш учун қизиқарли... ...қила олиш учун қизиқарли...
--	---	--	--

Дарс ичидаги танлаш ёки мазмунлар 1- поғонада туриши лозим. Уларни биз ўқув мақсадларига эришишдаги минимумлар деб атаймиз.

Агар тасарруфдаги вақт кутилганидан кўп бўлса, у ҳолда 3- ва 4- поғоналардаги мазмунларни қўшиб қўйиш мумкин. Амалиёт ўқитувчисининг кўплаб бошқа соҳалардаги билимларга эга бўлиши унинг мазкур ҳолатни осон бошқариб боришига ёрдам беради. Бу ерда асосий мақсад "ўзлаштирилиши шарт бўлган билимлар"ни ва "ўзлаштирилиши мумкин бўлган билимлар"ни беришдан иборатдир. Бу орқали барча муҳим мазмунлар, далиллар, тушунчалар, тамойиллар ва усуллар дарс режасида қанчалик даражада сақланиб қолган - қолмаганлиги назорат қилинади.

Бундан келиб чиқиб, таркибий қисмга тегишли мақсадларга мурожаат қилиш ва уларга эришиш жараёнини топшириқлар ва тестлар орқали назорат қилиш тавсия этилади. Бунга кўра, бирор дарс охирида топшириқлар кўрсатилган ёзма назорат иши олиш ва унинг натижаларини баҳо варақасига қайд қилиб бориш керак бўлади. Ўқув мақсадларига эришилмаганлиги

аниқланса, у ҳолда амалиёт ўқитувчиси бошқа чораларни кўриши, масалан: такрорлаш дарсини режалаштириш лозим, шу билан бирга дарс режасига тафаккур қилиш учун ёрдам сифатида киритиладиган қизиқтириш ва ўрганиш усуллари ривожлантириш мумкин.

Ўқув ва дидактик воситаларни режалаштирилган усуллар ҳамоханглигида назорат қилиш.

Махсус фан ўқитувчиларига амалий машғулотлар режаларини махсус жилдда сақлаш ва уларни доимий тарзда тўлдириб бориш тавсия этилади. Ўтказилган дарс ёки амалий машғулотлардан сўнг шахсий натижаларни таҳлил қилиб кўриш тавсия этилади. Буни биз дарс жараёнларининг сифатини таҳлил қилиш, амалга оширилган режанинг аҳамияти ва бошқа амалиёт ўқитувчиси томонидан ўз ҳамкасбларининг баҳоланиши, деб тушунамиз. Бу амалиёт ўқитувчисига ўз натижаларини доимий равишда яхшилаб боришда кўмак беради. Ушбу тавсия ва қоидаларни «Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари» фанини ўқитишда қўлланилганда яхши самара беради.

Амалий дарсни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

1. Қизитиш ва қизиқтириш(мотивация).
2. Маълумот бериш.
3. Билим бериш.
4. Ўрганилган билимларни қайта ишлаш бўйича топшириқлар бериш.
5. Таҳлил ва синтезлар.
6. Баҳолаш.

Ушбу кетма-кетлик учун вақт одатда 45 ёки 80 дақиқани ташкил этади. Дарс бошланишидан аввал дарсга тайёргарлик босқичининг натижаларини қисқача текшириб кўриш мақсадга мувофиқ бўлади (жадвал).

Дастлабки тайёргарлик	Таҳлиллар натижалари
Белгиланган вақт:	Мазмунларни талабаларга етказиш учун вақт етарлими?
Хоналарга тааллуқли шароитлар:	Синф хонаси бўшми? Стол ва стуллар етарлими?
Воситалар:	Доска, флипчарт ва кодоскоплар (проектор)ишлайдими? Бўр мавжудми?
Ҳужжатлар:	Дарс режаси борми? Етарли тарқатма материаллар ва топшириқ вароқлари мавжудми?

Қизитиш ва қизиқтириш (мотивация)

Дарсни талабалар билан қизиқарли дарсга боғлиқ бўлган мавзулар юзасидан суҳбат билан бошлаш керак.

Иложи бўлса, қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикоя танланиши мумкин. Буларнинг барчаси биринчи дарс мобайнида талабаларнинг кайфиятига, шу соҳага қизиқишига ёки кейинги дарсларда талабалар ўрганадиган фанга эътиборини қаратишга ёрдам беради.

Агар дарс биринчи бор янги талабалар гуруҳида ўтилаётган бўлса, ўқитувчи қисқача ўзини таништириб ўтиб, талабаларга ҳам ўзларини таништириш имкониятини бериши керак. Бу талабаларда ишонч туғдиради, талабалар ўзларига билдирилаётган ҳурматни ҳис қиладилар. Таърифланган ва танланган ўқитиш фанлари ва модуллари асосида назарий фан мақсадини баён этиш орқали мотивация ва муайян мавзуга кириш амалга оширилади. Интринзли(ички) ва экстринзли (ташқи) мотивация учун сабаб ва аргументлар топишга ҳаракат қилиш лозим. Мотивация орқали ўқиш ва ўрганишга бўлган тайёргарлик учун шарт-шароит яратилади.

Маълумот ва билим бериш.

Шундан сўнг ўқитувчи талабаларга касбий соҳа бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар уюштиради, ўқув суҳбатлари, ўйин-машғулоти ва муаммоларни ҳал қилиш ҳақида суҳбатлар ўтказади. Кейинги дарсларда янги мавзунини бошлашдан аввал ўтилган мавзулар қисқача, умумлаштирилган ҳолда қайтарилиши керак. Талабаларга мавзуларга мос тарқатма материаллар тарқатилиши лозим. Бу ўқув жараёнини енгиллаштиради. Мавзуга қирилмай туриб, тарқатма материаллар тарқатилмайди. Уларни мавзуга монанд равишда бирин-кетин тарқатиш, бунинг учун етарли дақиқалар бериш ва талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш учун топшириқлар бериш.

Талабаларга тафаккур қилиш ва қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар ўзлаштирилган билимларни фаол равишда қайта ишлаб бориш учун зарур. Улар билимларни қабул қилишнинг нисбий пассив фазасидан сўнг актив фаза қилиши учун имконият яратиб беради. Гуруҳларда ишлаш ёки мустақил равишда топшириқларни ечиш ва натижаларни тақдим этиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлил ва синтезлар

Мавзу таҳлили орқали мавжуд вазият элементлари алоҳида кўриб чиқирилиши, алоҳида хусусиятлар муҳокама этилиши мумкин.


Мазкур хусусиятларни бир бутун қилиб синтезлаш тўғри тасаввур ҳосил қилиш ва алоқадорликни аниқлаш имконини беради. Бу ерда гап билимнинг алоқадорлик даражаларини аниқлаш тўғрисида боради. Амалиётга яқинлашиш ва ўзлаштирилган билимларни келажакда ишлатиш учун синтез орқали бошқа илм-фан соҳалари билан боғлаш амалга оширилади.

Баҳолаш. Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин талабалар ўзлари бажарган ишларини баҳолашлари лозим. Бошқа бир имконият эса

натижаларни гуруҳларда очик-ойдин ва самимий муҳокама қилишдан иборатдир. Ўқув фани якунида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг натижалари, уларнинг амалга ошган ва ошмаган ишлари, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз натижалари юзасидан мулоҳаза юритишлари учун яхши имкониятдир.

Амалий машғулотлар ўтказиш.

Махсус фанлардан амалий машғулотларга олдиндан тайёргарлик кўриш лозим. Баъзи ҳолларда амалий машғулот назарий дарсга уланиб кетиши мумкин. Масалан: «Тикувчилик корхоналари жихозлари ва ускуналари» фанидан тикув машинаси ишчи органларининг созланишини чизмалар орқали тушунтириш билан бир қаторда тикув машинасининг ўзида бажариб ҳам кўрсатилади. Амалий машғулотларни ўтказишнинг турли қоидалари мавжуд бўлиб, биз бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тўғрисида тўхталамиз. Бевосита бошқариладиган амалий машғулотларда маърузалар, тақдимотлар ва намоёишлардан фойдаланилади. Буларга чизмалар, проспектлар, видеотасвирлар ва жихозларнинг макетлари ва асл намуналари киради. Яхши ишлаб чиқилган ўқув материални талабалар диққат билан тинглаб, кузатадилар. Агар машғулотлар савол ва жавобларга асосланган ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш доирасида олиб борилса, яхши самара беради.



Билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар, асосан, талабаларга йўналтирилган машғулот бўлиб, унга тайёрланган топшириқлар воситасида матнли китобларни ўқиш, мустақил ўрганиш орқали ўйин-машғулот олиб бориш, бирор вазиятни ўрганиш, талабанинг ўзи мустақил ўрганишига туртки бериш, билимларни ўзлаштиришга туртки бериш кабилар киради. Бу ҳолда ўқитувчи кузатувчи ёки маслаҳатчи сифатида катнашади.

Жараёнга йўналтирилган машғулотларга давра суҳбати, гуруҳий мунозара олиб бориш, модерация усуллари киради. Касб-хунар коллежларида амалий машғулотлар ўтказиш учун, асосан, ўқув устахоналаридан фойдаланилади.

Талабалар биринчи марта устахоналар, иш жойлари ва шароитлар билан таништирилади ва бир пайтнинг ўзида тўғри ва атроф-муҳитга таъсир этмайдиган фаолият, меҳнат хавфсизлиги қоидалари, соғлиқни сақлаш ва энергияни тежаб ишлатиш ҳақида хабардор қилинадилар. Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига бахтсиз ҳодисалар ва ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этувчи ҳолатларнинг олдини олиш борасидаги ҳатти-ҳаракатлар киради. Буларга иш ўрнида шахсий хавфсизлик қоидалари, ҳимоя воситалари ва механизмлардан тўғри фойдаланиш, ёнғинни олдини олиш чоралари, олов ўчирувчи мосламалар киради. Кўп ҳолларда меҳнат хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш иш билан боғлиқ равишда олиб борилади.

Ўқув устахоналарида талабаларга бажариладиган иш босқичлари, асбоб ва машиналардан фойдаланиш, сифатни назорат қилиш усуллари каби турли амалий кўникмалар ўргатилади. Ўқув устахоналарида амалий машғулотлар ўтказишда 4 поғонали усул ёки йўналтирувчи матн ва лойиҳа усули каби замонавий усулларни қўллаши тавсия этилади. (5-жадвал)

Танланган усул, асосан, амалий қобилиятлар ва кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган ва ўзида бунга тааллуқли назарий билимларни мужассам этган бўлади.

4. Поғонали усулга асосланган фаолият	Йўналтирувчи матн ва лойиҳа усуллариға асосланган фаолият
1. Мотивация ва ахборот	1. Ахборот
2. Намойиш	2. Режалаштириш
3. Имитация	3. Қарор қабул қилиш
4. Машқ	4. Амалға ошириш
	5. Назорат қилиш
	6. Баҳолаш

II. БОБ. КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА УМУМКАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАЗМУНИ, ШАКЛИ ВА ВОСИТАЛАРИ

2.1. Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларининг умумкасбий кўникмаларини шакллантириш шакл ва воситалари

Ўзбекистоннинг мустақиллиги йилларида кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимларида муҳим ўзгаришлар киритилади. Янги педагогик, ахборот технологиялар, ҳозирги дарс жараёнини компютерларсиз тасавур этиш кийин, ўқитувчиларнинг кўпимасофадан ўқитишни борган сари таълим тизимига оммалаштиришни даъват этмоқдалар, таълим тизимида жадаллаштириб ўқитиш негизида барча таълим субъектларни фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга интилоқдалар ва ҳаказолар муҳим аҳамиятга эгадир, айниқса меҳнат таълимининг барча жиҳатларини ўқувчилар политехник тамойилларга таяниб кенг ва гуруҳ мазмунларини етказиш катта педагогик-методик аҳамиятга эга.

Касбий кўникма шунга ўхшаган атамаларни, сўзларни, тушунчалар мазмунлари орқали меҳнат жараёнларни таҳлили ва меҳнат таълимидаги дидактик асосларини ўқувчилар ўзлаштириши муҳим мақсадга эгадир.

Меҳнат таълимида “билим” иборани қўллашда биз қуйидаги тушунчага эга бўлиб уни ўқувчиларда шаклланиш мезонини қуйидагича англашимиз зарур. Билим ўрганаётган объект ҳақида унинг муҳим хусусият ва сифатларини, объектни маълум жиҳатларини биз тушунчаларда ифодалаймиз ва ўрганамиз. Демак, тушунчалар тизимини ўзлаштириш орқали ўрганилаётган объект ҳақида зарур билимга эга бўламиз.

Меҳнат таълимидаги билимлар ўрганаётган объектни вазифаси, тузулиши, ишлаш қоидалари, тайёрланадиган маҳсулотлар, қўллаш технологияси, ишлашда эътибор бериладиган хавфсизлик техникаси, бошқа

томонларини ўқувчилар амалий ҳолатда қўллаш технологиясини билишлари шарт. ДТС нуқтаи назаридан ўқувчилар ўзлаштирган ҳолатини (билим, кўникма, малака ва маҳорат, тажриба, ижод, такомиллаштириш) даражаларини (мезон, меъёр) доирасини белгилайди. Ўқувчилар меҳнат объектини ҳар томонлама, чуқур кенг, тор, атрофларга ўзлаштириб: 5, 4, 3, 2 ва 1 баҳога эга бўлади.

Ўқувчилар меҳнат таълими объектини тикиш методикасини ўрганиш ва хоказо технологик операцияларни ўзлаштиришни: ўрганишни, бажаришни, яна бир поғонага кўтариб, уни кўникма даражасига кўтаришга олиб келади. Бу борада билимларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги бевосита амалиётда қўлланилиши билан аниқланади. Билимларни қўлланиши ўз навбатида маълум иш-ҳаракати усулларининг мақсадга мувофиқлиги, тезлиги, аниқлиги ва шу кабиларга кўра касбий маҳорат даражаси аниқланади. Касбий маҳорат даражасини шартли равишда кўникма ва малакалар шаклида талқин этилади. Агар бўлимлар амалиётда маълум мантикий кетма-кетликда, лекин ўйлаб маълум маънода секинроқ бажарилиши, кўникма сифатида тез фурсатларда бажарилиши малака деб талқин этилади.

Бошқача таърифда меҳнат таълими методикасида ҳамда меҳнат таълимида қўлланиладиган тушунча қуйидагича ифодасини топган. Жисмоний асабий куч сарфлаган ҳолда бажариш шахснинг билимлари асосида таркиб топади. Дастлабки шаклланиш босқичларида бундай ҳаракатлар жиддий диққат билан бажарилади, кейинги босқичларда диққат билан назорат қилиш камайиб боради ва натижада автоматлашган ҳаракатга айланади.

Касбий малака биз шахснинг маълум касбга яроқлилик, тайёрлик даражаси, шу касбда ишлай олиши учун зарур билим, кўникмалар йиғиндиси. Касбий ахборотларнинг тез кўпайиб бораётгани илгари ўзлаштирилган малаканинг етишмаслигини келтириб чиқаради. Бу етишмасликни қайта тайёрлаш ва малака ошириш орқали касбий фаолиятни ҳозирги талаблар даражасида давом эттириш имконияти ҳосил бўлишини

тушунамиз.

Малака ошириш меҳнат таълими, билим ва кўникмаларини янгилаш ҳамда ривожлантириш жараёнини таърифлайди. Шунини таъкидлаш зарурки, меҳнат таълими методикасида ҳамда мазкур таълимни ўзида бошқа атамалар кўп малакалар “ўргатиш” тушунчани ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш. “Ўргатиш” тушунчани ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларининг ўқувчилар томонидан ўзлаштиришини турли восита ва усулларни қўллаб тушунтириш, кўрсатиш ва машқлар орқали амалга ошириш жараёни.

- Меҳнат таълим методикасида ҳамда мазкур таълимни ўзида “ўзлаштириш” тушунчасида тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмунини, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида кўникмалар ҳосил бўлиши даркор.

Ўзлаштириш шартли равишда қуйидаги учта даражага ажратилади:

1. Ўргатилган билим ва кўникмаларни тўғри такрорлаш.
2. Уларни амалий фаолиятда қўллаш, улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш.
3. Уларни ижодий таҳлил қилиш, қийёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Қайд этилганлардан маълум бўлмоқдаки, ўқувчилар: билим, малака, кўникма ва бошқа атамалардан ўрнида ишлатилиш усуллари мукаммал қўллашни ўрганишлари лозимдир.

Шундай билимлар, меҳнат кўникмалари ва малакаларини текшириш ўқувчиларга меҳнат ва касб таълими бериш ва уларни тарбиялаш сифатини оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Меҳнат таълими натижаларини ўз вақтида текшириш ўқувчиларда билимлар ва меҳнат кўникмаларининг сифати учун жавобгарлик ҳиссини ривожлантиришга ёрдам беради, уларнинг интизомини яхшилайти ва ўзларига нисбатан

талабчан бўлишга ўргатади, ишда камчиликларга йўл қўймасликка ва ўзини доимий равишда камол топтириб боришга ундайди.

Касбий кўникмаларни текшириш ўқувчиларга тайёргарлик даражасини аниқлашга ёрдам берибгина қолмасдан, шу билан бирга яна бир муҳим вазифани илгари ўзлаштирилган билимлар ва меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлаш вазифасини ҳам бажаради.

Ўтилган материал юзасидан сўраб чиқиш. Ўқувчилар билими ва кўникмаларини текширишнинг асосий методларидан биридир. Ўтилган материал бўйича сўраш дастурнинг ўтилаётган янги материали билан мавзу жиҳатдан мазмун ва мантиқан боғлиқ бўлган мавзуси юзасидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир, яъни ўқувчилар ўтилган материални яхши тушунмас эканлар, янги материални уларнинг онгига етказиб ҳам бўлмайди.

Меҳнат таълими тизими бўйича ўқув материалининг ўзлаштирилиши даражасини суҳбат йўли билан аниқлаш. Текширишнинг бу методидан мавзу материали маълум даражада ўқувчиларга таниш бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Масалан, дастурнинг «Тикув буюмлар технологияси асослари» деган бўлимидаги кўпгина мавзуларни суҳбат йўли билан тўла-тўқис ўрганиш мумкин. Чунки ўқувчилар бундай материаллар билан меҳнат дарсларида овқат тайёрлаш жараёни вақтида танишиб чиққанлар. Шу билан бирга, суҳбат метод сифатида янги билимларни маълум қилиш эмас, балки айни вақтда уларни ўзлаштириш сифатида текшириш учун ҳам ишлатилади.

Ўқитувчи «Тикув буюмлар технологияси асослари» меҳнат операциясини ўргатишга киришган пайтда ўқувчиларнинг «Ёка тикиш» операциясини ўрганиш вақтида олган билимлари ва меҳнат кўникмаларида фойдаланади. Ўқувчилар ана шу икки операцияни таҳлил қилиш асосида хулоса чиқарадилар, бу иккала операцияни нима бирлаштириб туриши ва уларнинг фарқи нимада эканлиги ҳақида бир фикрга келдилар.

Ўқитувчи мазкур мавзу юзасидан ўзлаштирилган материал ҳажмида саволлар берар экан, ўқувчиларнинг ўрганилаётган мавзу юзасидан билимларни кенгайтириш имконига эга бўлади.

Бир ўқувчининг ўзи суҳбат жараёнида хилма-хил саволларга жавоб бериш учун ўқитувчи томонидан неча марта чиқарилиши мумкин. Бу ҳолда ўқувчининг ҳамма берган жавобларини ҳисобга олган ҳолда баҳо қўйилади.

Бироқ баҳо фақат битта саволга тўлиқ жавоб берган ўқувчига ҳам қўйилиши мумкин.

Суҳбат ўқувчиларнинг билим ва малакаларини текширишнинг самарали методларидан биридир, чунки ўқувчиларнинг дарсда фақат янги билимларни ўзлаштиришда эмас, уларни текшириш вақтида ҳам фаол бўлишни кўзда тутди. Ўқувчилар жавобининг юқори сифатли бўлиши ва уларнинг суҳбат вақтида яхши фаоллик кўрсатиши таълимнинг ва текширишнинг ана шу методи учун характерли бўлган хусусиятидир.

Янги материални мустаҳкамлаш. Текширишнинг бу методидан ўқитувчи, олдида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини, биринчи навбатда меҳнат усуллари текшириш зарур бўлиб қолганда фойдаланилади. Шу мақсадда ўқитувчи янги мавзунини мустаҳкамлашга оид саволлар рўйхатини беради, бу билан асосан янги баён қилинган материалнинг мавзунини қамраб олинади. Лекин янги ўқув материални мустаҳкамлашни ўқитувчи бошқача ҳам ташкил этиш мумкин. Масалан, агар ўқув материали ўқувчиларга тушуниши учун назарий жиҳатдан қийинлик қилса, унда баён қилинаётган материални қисмларга, мантиқан тугалланган бўлақларга, материални қисмларга, мантиқан бўлиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ана шундай ҳар бир қисм ўқувчилар томонидан мустаҳкамлаши керак.

Уйга берилган топшириқни текшириш. Ўқувчилар билими ва кўникмалари даражасини текширишнинг бу методи бутун текшириш тизимида асосий методлардан бири ҳисобланади.

Психологларнинг тасдиқлашича, ўқув материални китоб бўйича ёки ўқитувчининг сўзларидан эслаб қолиш йўли билан бир марта ишлаб чиққанда, ҳатто кучли ўқувчилар ҳам унинг тахминан 70-75% яхши ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Демак, уйга берилган топшириқларни текшириш, назоратининг бошқа методлари билан бир қаторда, ўқув

материалини ўзлаштириш сифатини ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бир ёки бир неча мавзу юзасидан такрорий-умумлаштирувчи дарслар. Билимларни текширишда такрорий-умумлаштирувчи дарслар муҳим рол ўйнайди. Бу дарслар ўзининг аниқлиги ва илмий билишга оид материалларга бой бўлиши туфайли ўқувчиларнинг умуман фан бўйича эмас, балки аниқ ўқув материали бўйича олган билимларининг қандайлигини аниқлаш имконини беради. Шунинг учун тўғри ташкил этилган такрорий-умумлаштирувчи дарслар ўқувчилар билимини жуда аниқ текшириш ва уларнинг ривожланишидаги бундан ҳам юқорироқ босқич ҳисобланади. Такрорий-умумлаштирувчи сўраш эмас, балки жавобларнинг юқори сифатли бўлишига эришиш мақсадида бутун гуруҳнинг ишини фаоллаштириш зарур.

Сўрашнинг бу тури ўқув материалининг тавсилоти ва мазмунига унинг фанлар аро алоқасига қараб, дарснинг турли вақтларида (дарснинг бошланишида янги материални тушинтириш вақтида, дарснинг охирида — якунловчи инструктаж вақтида) ўтказилиши мумкин. Сўраш жараёнида ўқитувчи биринчи навбатда, олган билим ва малакаларига шубҳа билан қарайдиган, унинг фикрича ўз устида мунтазам ишламайдиган ўқувчилардан сўраши, бунда ўқувчиларга мурожаат қилишдаги стандарт шакллардан қочиш уларнинг иззат нафсини қадрлаши, ҳа деб бир ўқувчидан сўрайвериб, бошқаларни эсдан чиқариб қўймаслиги керак.

Такрорловчи-умумлаштирувчи сўроқда, одатда, ўқувчидан битта дарсда бир неча марта сўраш натижасида унга дифференциялашган баҳо қўйилиши лозим.

Ўқув-меҳнат фаолиятини текшириш ва унга баҳо қўйишда жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг кўникмалари ва малакаларида мавжуд бўлган камчиликларни, уларнинг сабабларини аниқлаб чиқади ва тузатиш тадбирларини белгилайди. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчига ўзининг педагогик фаолияти натижаларни ҳам баҳолашга, яъни у ўқув материалини қанчалик тушунарли қилиб етказиб бера олиши ва меҳнат усулларни кўрсатиши, меҳнат ва касб таълимининг ташкилий шакллари ва

методларидан ҳамда кўрсатмали қўлланмалардан самарали фойдаланишга, мустақил моҳирлик билан танлаб, уларнинг бажарилишига раҳбарлик қила олишига баҳо бериш имконини беради. Шундай қилиб, ўзлаштириш тўғрисида олинган маълумот ўқитувчига ўқувчиларнинг билиш ва амалий фаолиятига самарали раҳбарлик қилиш имконини туғдиради. Ўқитувчи зиммасида ўқувчиларнинг илмий-техникавий билимларини, меҳнат кўникмаларини ва малакаларини ҳар қандай текшириш асосида баҳо қўйиш ётади.

2.2. Касб-ҳунар коллеж ўқувчиларини умумкасбий кўникмаларини назорат қилиш ва баҳолаш усуллари

Ўқув-тарбиявий жараён – бу бошқариладиган жараён бўлиб, ўқитувчи, устоз ўқувчилардаги кўникмаларни ва малакаларни сон ва сифат жиҳатдан ҳаққоний баҳолаш ва ўқув-тарбиявий жараёнга олишган натижаларга қараб ўзгартишлар киритиб бориш билан бирга ўзининг фаолиятига ҳам тавсиф беради.

Малакали, унумли меҳнат ўқувчиларнинг таълим-тарбия олиш жараёнида шаклланган касбий кўникмаларига асослангандир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида ўқув тарбиявий жараёнда унумли меҳнатни амалга ошириш учун ўқувчиларни тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, жамият ва шахсий талабларни қондириш ҳам керак. Ўқувчиларнинг кўникма ва қобилиятларига баҳо бериб қараб чиқишдан олдин яна бир бор кўникма ва қобилиятлар таъсирини қараб чиқайлик.

Амалий машгулот натижасида ўрганган, эсда сақлаб қолинган, қабул қилинган ва фикрлаштирилган ҳодиса ва предметлар ҳақидаги тушунчалар тизими билимдир. Билимлар ўз навбатида тизимли ва тизимсиз, назарий ва амалий, кенг ва тор, чуқур ва юзаки, мосланувчан ва шаблонли, мустаҳкам ва мустаҳкам бўлмаган турларига бўлинади. Буларнинг ичида касбий таълим

натижасида ҳосил бўладиган назарий ва амалий билимларни ошириш мумкин. Чунки, назарий билимлар нарсаларнинг (предметлар) етарли даражадаги хусусиятларни техника ва технологиялардан ҳодисасини ва уларнинг объектив муносабатини билдиради. Амалий билим эса техника ва технология соҳасидаги жараёнларнинг алоқасини, ҳодисасини ва бошқаларнинг тўғридан тўғри амалий фаолиятга киритилганлигини билдиради.

Малака – бу ўқувчининг автоматик равишда йўналтирилган ҳолда бирорта ишни баҳолаш қобилиятидир.

Кўникмалар: ақлий (хотира ва фикрлаш), сенсорли (қабул қилиш кўникмаси), двигателли ҳаракати (психомоторли) .

Кўникма - янги шароитда инсоннинг (мутахассиснинг) ишни сифатли, керакли ҳажмда ва ажратилган – белгиланган вақтда бажариш қобилиятидир.

Кўникмани шакллантириш бу касбий таълимнинг мажбурий охириги мақсади бўлиб, бу кўникма ўқиш, амалиёт жараёнида босқичма-босқич шаклланиб боради.

Касбий қобилият – касбий фаолият шароитида ишни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган шахснинг шахсий – психологик сифати белгисидир.

Қобилият туғма бўлмасдан унинг кўзга ташланиши ёки ажралиб туриши муҳитга, ўрганишга, тарбияга боғлиқдир. Қобилиятнинг туғма кўриниши унинг қабул қила олиши, фикрлаши, хотираси, фараз қилиши ва бошқалар бўлгани учун булар ривожлантирилса, тўғри йўлга солишса қобилият юқори чўққига чиқади.

Касбий кўникма ва қобилият ўзаро боғлиқ бўлиб, уларни алоҳида-алоҳида баҳолаш жуда мураккаб.

Ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини баҳолаш устознинг, ўқитувчининг, муҳандис педагогнинг услубий фаолиятини таркибий қисмидир. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ўқув шароитида ҳар бир ўқувчини диққат билан кузатиб, ўрганиб бориш ва фаолиятини баҳолаб бориши зарур.

Умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий ўқув юртлардаги техникавий, технологик фанлар бўйича кўникмаларини баҳолаш усуллари ва шакли асосан бир хилдир. Уларда фақат мазмун жиҳатдан яъни, амалиётни, касбий йўналтирилганлик, малака ва кўникмаларга бўлган талабнинг кўпроғи ва бошқалар билан боғлиқдир.

Машинасозлик фанларини ўрганишда кўникмаларни баҳолашнинг куйидаги турлари мавжуд:

Жорий – оғзаки сўраш, ёзма назорат ишлари, амалий иш, ўқитувчининг кузатиб бориши, дастурли назорат.

Даврий – ҳар битта мавзунинг ўтгандан кейин текшириб бориш.

Якуний – назорат ишлари, зачетлар, имтиҳон ва битирув ишлари.

Ўқувчиларнинг кўникмаларини назорат қилишда учта асосий функция (вазифа) амалига оширилади: текширувчи, ўргатувчи ва тарбияловчи.

Текширувчи – назорат қилувчи – гуруҳ ўқувчиларининг ўзлаштирганлик даражасини белгилаб бориш (яъни билими, малакаси ва кўникмаси).

Ўргатувчи – ҳар бир ўқувчининг билими, малакаси ва кўникмасининг текшириш натижасида бошқа ўқувчилар ўзларининг билим, малака ва кўникмаларини таққослайди ва ўзига хулосалар чиқаради. Шу билан бирга ўқитувчи умумий камчиликларга ҳам тўхталиб ўтиши натижасида бошқа ўқувчиларга сабоқ бўлади.

Тарбияловчи функцияси – тизимли назорат ўқувчиларда ўзига ўзи баҳо беришни, имкониятларини тарбиялайди ва ўз вақтларини тўғри тақсимлашга ундайди.

Ўқувчиларнинг билими, малакаси ва кўникмаларини назорат қилишнинг энг кўп тарқалган шакли оғзаки сўраш (шахсий, группали) дир. Бунинг кенг тарқалганлигининг сабаби уни ташкил қилишнинг осонлиги. Лекин бунинг ҳам ўзига хос қийинчилик томонлари бор, яъни қачон чақириш керак? Қандай савол бериш керак? Саволнинг хажми қандай бўлиши керак? Қанча вақт керак? Нимани сўраш керак? Қачон ўқувчилар

билан нима қилиш керак? ва х.к.

Назорат қилиш қандай бўлмасин, уларга қўйиладиган умумий талаб: ўқувчиларга аниқ саволлар билан мурожат қилиш ва бу назоратга кўпроқ ўқувчиларни жалб этишдир.

Ўқувчиларнинг касбий маҳорат юритувчи объектлари бўлиб қуйидаги ишлаб чиқариш касбий кўникмалари ҳисобланади.

- ўқув ишлаб чиқариш ишларини бажариш сифати;
- ишлаб чиқариш муҳити унумдорлиги – вақт ва маҳорат;
- ишни бажаришда ишлаб чиқариш негизларининг усулларини қўллай олиш;
- ҳозирги замон техника ва технологиясини қўллай олиш, иш бажариш;
- мустақил иш бажара олиш;
- амалий ишларни бажариш назарий билимларни қўллай олиш;
- меҳнат маданияти, иш жойи тартиби;
- иш бажариш вақтида техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш.

Меҳнат ва касб таълими бўйича ўзлаштиришни баҳолаш мезонлари

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ўқитувчи, уста беш балли система бўйича баҳо қўяди. Баҳо қўйишнинг беш балли системасини амалида тадбиқ этишда сўзлар билан ифодаланадиган «аъло», «яхши», «қониқарли», «ёмон», «жуда ёмон» деган баҳоларни «5», «4», «3», «2», «1» рақамлари билан алмаштириш мақсадга мувофиқ деб топилган. Рақамли баҳолаш кўпроқ аниқлиги, пухталиги ва фойдаланиш учун қулайлиги билан фарқ қилади.

Кўпинча уста ва ўқитувчилар ўқувчиларнинг интизомига оид бирорта камчилиги (кечкикиб келиши, машғулотларга келмай қолиши, дарс вақтида гаплашиб ўтириши ва ҳоказолар) учун баҳони камайтириш каби хатога йўл қўядилар. Бу ўринда уста ва ўқитувчи тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланилиши лозим.

Қуйидаги баҳо мезонлари белгилаб чиқилган:

Ўқув материални бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини намунали бажариш, меҳнат топшириқларини бажариш вақтида олинган илмий-техникавий билимларни мустақил, дадил ва тўғри тadbик этиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш (меҳнат ва ҳунар таълими дастурининг талаблари доирасида), техникавий талаблар доирасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, ишни вақт нормаси доирасида бажариш «5» баҳо билан баҳоланади.

«4» баҳо бутун ўқув материалларини билиши ва тушуниши, уни оғзаки ва ёзма равишда тўғри баён этиши, ҳисоб-китоб ва графика ишларини тўғри ва пухта бажариши, олинган билимлардан ўқув-меҳнат топшириқларини, берилган ишни белгиланган вақт нормасига мувофиқ ўз вақтида бажарилганлиги учун қўйилади.

«3» баҳо программадаги асосий материални бундан кейинги ўқув-меҳнат вазифаларини бажаришга имкон берадиган ҳажмда билиши ва тушуниши, ўқув материални бирмунча хато ва камчиликлар билан, ўқитувчининг озгина ёрдами орқали содда қилиб баён этиши, меҳнатни ташкил этишда бир оз камчиликлар бўлган ҳолда белгиланган вақт нормасини 75% бажаргани учун қўйилади.

«2» балли баҳо программа материалнинг кўп қисмини яхши тушунмаслик, уни қўпол хатолар билан баён қилиш, ҳисоб-китоб ва графика ишларини етарли даражада бажармаслик, олинган билимларни хатоларга йўл қўйиб тadbик этиш, меҳнат операцияларини кўп хатолар билан бажариш, меҳнатда белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлай олмаслик учун қўйилади.

Бутун программа материални билмаслик ва тушунмаслик, ўтилган материални баён қилиб бера олмаслик, олинган билимлардан амалда фойдалана билмаслик, меҳнат усулларини қўллана олмаслик, бракка йўл қўйиш учун «1» баҳо қўйилади.

Баҳолашни тарбиявий ролини ошириш масаласи диққатга сазовордир. Шу муносабат билан уста, ўқитувчилар қўйган баҳоларини изоҳлаб бериши муҳимдир. Бу ҳол ўқувчиларга ўз билимларидаги камчиликларини, амалий ишларидаги нуқсонларини билиб олишларига ёрдам беради. Баҳолашни мунтазам изоҳлаб бориш уларнинг таълимий ролини оширади.

Рейтинг тизимининг мақсад ва вазифалари

Рейтинг тизими ўрта махсус, касб-хунар таълими давлат таълим стандартлари ҳамда, меҳнат таълими давлат таълим стандартларининг таркибий қисми бўлиб, ”Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларнинг билимини ҳаққоний баҳолаш, улардан фанларни ўзлаштириш бўйича қизиқишларни ошириш ва уларнинг билим, кўникма ва малакаларини эгаллашга бўлган эҳтиёжларни ривожлантириш ўқитиш жараёнида рейтинг тизимини қўллашнинг асосий мақсадини ташкил қилади.

Рейтинг тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш учун киритилади:

- давлат таълим стандартлари талабларига мос ҳолда барча ўқув фанлари ўқув дастурлари бўйича билим, кўникма ва малакаларни ўқувчилар толмонидан ўзлаштириш даражасини объектив баҳолаш;
- ўқувчиларда билим олишга бўлган ижобий интилиш эҳтиёжини шакллантириш, уларда ўзаро беллашувга қизиқиш уйғотиш;
- ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш;
- ўқувчиларни доимий баҳолаш ва баҳоларни таққослаб бориш;
- ўқув муассасалари ўқитувчилари ишлаб чиқариш таълим усталари педагогик фаолиятини тўғри баҳолаш;
- ўқувчи ва ўқитувчи фаолиятини олдиндан режалаштириш, ўқув жараёнига зарурий ўзгаришлар киритиш;
- Республиканинг турли ҳудудларидаги ўқув муассасалари натижаларини таҳлил қилиш, таққослаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш;
- Ўқувчиларнинг меҳнат ва тарбиявий интизомини яхшилаш, уларнинг фанлар бўйича узлуксиз тайёргарлигини амалга ошириш.

Касб-хунар коллежларида касбий кўникмани шакллантириш учун ҳар бир ўқув фани бўйича ўқувчиларнинг билим сифатини баҳолаш учун жорий назорат турлари ташкил этилади

Жорий назорат (ЖН) – оғзаки сўров, коллоквиумлар, семинарлар, ёзма ишлар, лаборатория ишлари, техникавий диктант, курс лойиҳалари, уй вазифаси ва ҳоказо, яъни сиз ўз амалиётингизда қўллайдиган барча сўров турларини ўз ичига олади.

Жорий назорат (ЖН) да ўтказиладиган сўров турларини қуйидаги қисқартирилган кодлар билан белгилашни тавсия этилади:

Тест сўровлар(Т), оғзаки сўров(О), лаборатория иши(Л), масала ечиш(М), уй вазифаси(У), курс лойиҳаси (КЛ), ёзма иш (Ё), карточка сўрови (КС), техникавий диктант (ТД), амалий иш (А), ва ҳоказо.

Жорий назорат ўқув дастурини бир ёки бир нечта мавзуларини ўргангандан сўнг ўтказилади.

Ташқи назоратнинг мақсади таълим стандартида кўрсатилганга мос даражада ўқувчилар ўзлаштиришининг кўрсаткичларини аниқлаш ҳамда бир хилдаги фанлар бўйича (касблар) бу кўрсаткичларни таққослаш.

Ўқувчиларнинг қизиқишини уйғотиш учун ўтказилган назорат натижасини дарс мобайнида бевосита ўқувчилар иштирокида кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш яхши натижа беради.

Ҳар бир ўқитувчи ўз фани бўйича рейтинг тизимини лойиҳалаштиришда қуйидагиларга асосланиши керак:

1. Ҳар бир фан бўйича семестр давомида ўқувчи тўплаши мумкин бўлган максимал балл 100 баллни ташкил этади;
2. Ҳар бир фан учун ажратилган максимал балл назорат турлари бўйича тақсимланади:
 - Жорий назорат (ЖН) бўйича 60%, яъни 60 балл;

Бу баллар баҳо ва фоиз жиҳатдан қуйидагича тақсимланади:

Мак. балл	Баҳолар, фоизлар, баллар		
	«ўрта» 55%- 69,9%	«яхши» 70%-84,9%	«аъло» 85%-100%
100	33-42,5	42,6-51,5	51,6-60

Курс лойиҳаларига максимал баллнинг 20-40% ни ажратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир ўқитувчи ўз фанидан курс лойиҳасини фоизлаш жараёнида ҳар бир қисм учун шу максимал 20-40 баллдан келиб чиққан ҳолда балларни тақсимлайди.

Ишлаб чиқариш таълими ва амалиёти учун ҳам максимал балл 100 балл бўлиб, рейтинг тизими уларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда юқоридаги намунадагидек лойиҳалаштирилади.

Диплом ишлари ва лойиҳалари, давлат имтиҳонлари учун ҳам максимал балл 100 балл деб белгиланади.

- диплом иши ёки лойиҳаси раҳбарига - 30%, яъни 30 балл;
- рецензентга – 20%, яъни 20 балл;

Давлат ҳимоясида малака комиссиясига ажратилган максимал 50 баллнинг 60% ни олган ўқувчигина ҳимоя қилган ҳисобланади.

ХУЛОСА

Илм-фан, техника ва технология соҳаларида эришилаётган ютуқлар, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожидан кадрларнинг малакали даражасига нисбатан юқори талабларни қўймоқда. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда мутахассислик асосларини пухта ўзлаштирган, янгиликларни ўз вақтида англай оладиган ҳамда ижтимоий- касбий вазифаларни тўла қонли бажара оладиган мутахассисларни тайёрлаш масаласини ижобий ҳал этишда узлуксиз таълим тизимининг барча босқичлари сингари олий ўқув юртларининг ҳам бекиёс ўрни бор. Касб-ҳунар ва умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришда ижодкорлик катта аҳамият касб этади. Чунки улар келажакда қайси соҳада меҳнат қилишларидан қатъий назар, у ёки бу муаммони ечиш жараёнига ижодий ёндашадиган, иш унумдорлигини тўхтовсиз ошириб борадиган мутахассислар бўлишлари лозим. Шахснинг ижодкорлигисиз жамият тараққий этиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам нафақат умумий ўрта таълим мактаблари, балки таълим соҳасининг барча жабҳаларининг асосий вазифаларидан бири - ёшларда ижодкорликни ривожлантиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Хулоса қилиб айтганда, касб таълимида таълим олаётган ўқувчиларни касбий шакллантириш муаммоси узлуксиз таълим тизимида малакали мутахассисларни тайёрлаш жараёнида ўзига хос долзарблик касб этади. Касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг касбий кўникмаларини шакллантиришнинг усул ва воситаларини кенг миқёсда оммага жалб қилиш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили. Тошкент: Ўзбекистон 1995.
2. И.А.Каримов. Замонавий кадрлар- тараққиётнинг муҳим омили. Тошкент: 1997.
3. И.А.Каримов. Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: шарқ нашириёти-матбаа концерни, 1997.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент: Ўзбекистон 1998.
5. И.А.Каримов. Маънавият- келажак пойдевори. Тошкент: Ўзбекистон.
6. Маҳкамов С. Ўқув устахоналарида ўтказиладиган амалий машғулотлар. - Т.: Ўқитувчи, 1991.-240 б.
7. Меҳнат таълими методикаси. Тхоржевский Д. А. таҳрири остида. -Т.: Ўқитувчи 1987.-444б.
8. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. - Т.: Фан, 2004. - 126 б.
9. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришнинг илмий педагогик асослари -Т.: «Фан», 2004.-120 б.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш тўғрисида”ги 13 май 1998 йилдаги 204-сонли қарори.
11. Беспалько В.П. Слагаем Уе педагогической технологии. М.: Педагогика. 1989. 190 с.
12. Беспалько В.П. О возможностях системного подхода в педагогике. - Сов. педагогика, 1990, №7, с.59-60.
13. Гершунский Б.С. Компьютеризация в сфере образования. - М.: 1987.
14. Гильбух Ю.З. Тренировочные устройства в профессиональном обучении. -Киев, 1979.

15. Давлетшин М.Г., Захарина М.С. Профессиональная ориентация учащихся. Реформа в действии. - Т.: Укитувчи, 1986. -81 с.
16. Йўлдошев Ж.Қ. Педагогика фани ва Ўзбекистонда таълимни ривожлантириш муаммолари. - Халқ таълими, 1995. № 3-4, 1-12 б.
17. Основы профессиональной педагогики, -М.: 1977.
18. Профессиональная педагогика Учебник для студентов, обучающихся по педагогическим специальностям и направлениям. М.: Профессиональное образование, 1997. -512 с.
19. Сибирская М.П. Профессиональное обучение: Педагогические технологии. -Санкт-Петербург, 1996. 99 с.
20. Сластенин В.А., Мигако А.И. Профессионально - педагогическая подготовка современного учителя. -Сов.педагогика, 1991, № 10, с. 79-84.
21. Сластенин В.А., Л.С.Подёмова. Педагогика: Инновационная деятельность. М., 1998 й.
22. Янушкевич Ф. Технология обучения в системе высшего образования. -М.: 1986.
23. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент: шарқ нашириёти-матбаа концерни, 1997.
24. Ж.Йўлдошев. “Янги педагогик технологиялари ечимлари, муаммолари ва йўналишлари”.
25. Тошев, Салоҳиддинов А. “Таълим жараёнида ахборот технологиялари”. Тошкент-2001.
26. Ғозиев Э. Тафаккур психологияси. Тошкент ўқитувчи 1990.
27. Назарова Т.С, Полат Е.С. Средство обучения. (Технология создания и использования). Москва: УРАО 1998.
28. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. Москва: педагогика 1989.
29. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии. Москва: ИРПО-1996, 336ст.

- 31.** Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қарши: Насаф 2000.
- 32.** Саноқулов Х, Жумаев М. Э. Касбий тайёргарликда фанлараро алоқадорлик. Тошкент: Низомий номидаги ТДПИ, 1996.
- 33.** Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. – Т.: Ўзбекистон. 2009.
- 34.** Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 28 январь.
- 35.** Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи газетаси. 2010 йил 30 январь.
- 36.** Бабанский Ю.К. Ҳозирги замон умумий таълим мактабида ўқитиш методлари. -Т.: Ўқитувчи, 1990.-230 б.
- 37.** Давлатов К. Д. ва бошқалар. Меҳнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. -Т.: Ўқитувчи, 1992.-320 б.
- 38.** Жўраев Р.Ҳ., Толипов У.Қ. Педагогик фаолият, технологиялар ва маҳорат // Ж. Узлуксиз таълим. 2003. 2-сон. 3-106.
- 39.** Жўраев Р.Ҳ., Толипов Ў.Т., Шарипов Ш.С. Узлуксиз таълим тизимида

II. Интернет – ресурслари

1. www.istedod.uz
2. www.google.uz
3. www.scchschool.edu.ru
4. www.referat.re.uz
5. www.yandex.ru